

2014-6

Жиноят процессуал кодексининг 487-моддаси талабларига риоя этилмаганлиги сабабли апелляция инстанцияси ажрими бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2012 йил 11 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2012 йил 15 ноябрдаги ҳукмига асосан, Т. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари, 25,168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари, 188-моддаси 3-қисми "а", "б" бандлари, 189-моддаси 3-қисми, 28, 189-моддаси 3-қисми, 190-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 209-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари, 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 228-моддаси 3-қисми билан Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. Сирдарё туманидаги хусусий уруғчилик ишлаб чиқариш тижорат фирмаси мансабдор шахслари билан уюшган гуруҳга бирлашиб, 2011 йил февраль ойида маҳаллий тарвуз ва бодринг уруғларига озиқ-овқат бўёқлари ёрдамида турли ранг беради. Сўнг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун талабларини бузиб, кадоқлаш, маркалаш ва сақлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни олмасдан, 204.700.000 сўмлик сабзовот ва полиз экинлари уруғларини хориждан келтирилган юқори сифатли уруғлар сифатида турли савдо белгилари ва қайд этилмаган химоя белгилари туширилган пакетлар ва импорт идишларга қалбакилаштирилган ҳолда кадоқлайди-да, 45.780.000 сўмлик уруғларни шартномалар асосида бир нечта хўжалик субъектларига сотади, фирибгарлик

қилиб, қалбаки усулда тайёрланган 158.768.000 сўмлик уруғларни сотишга улгурмасдан, фирибгарлик содир этишга суиқасд қилганликда;

2011 йил март-апрель ойларида қалбаки усулда тайёрланган уруғларни сотишдан келиб тушган пул маблағларини сохта ҳужжатлар асосида бошқа хўжалик субъектлари ҳисоб рақамига кўчириб нақдлаштириб, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликда айбдор деб топилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, дастлабки тергов даврида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун айбдор шахслар томонидан тергов органининг депозит ҳисоб рақамига 73.244.780 сўм топширилган. Суд ҳукми билан ушбу маблағлар зарар кўрган хўжалик субъектлари ҳисоб рақамларига ўтказилиб, зарарлар тўлиқ қопланган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми талабига кўра, моддий зарар қопланган тақдирда айбдор шахсга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилмайди.

Бироқ суд зарар қопланган бир пайтда Т.га нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари билан, шунингдек, ҳуқуқий оқибатига кўра, тугалланмаганлиги сабабли моддий зарар етказилмаган бўлса-да, Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинлаган.

Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги асосий жазо билан мажбурий равишда қўлланилиши

назарда тутилган бўлсада, суд Т.га нисбатан Жиноят кодексининг 28,209-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлагани ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўшимча жазосини тайинламай хатога йўл қўйган.

Жиноят процессуал кодексининг 487-моддаси 2-қисми 5-бандига кўра, ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаслиги Жиноят процессуал кодекси талабини жиддий бузиш ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси қонун талабларига риоя қилмасдан, ишни кўриш жараёнида, ҳимоячиси бўлмаган Т.га ҳимоя нутқи учун сўз бермасдан Жиноят процессуал қонуни нормаларини жиддий бузилишига йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 18 декабрдаги ажрими билан Т.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Назорат иши № 5-244-14